СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИДА МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ХУСУСИДА

Б.Ғойибов

Ушбу мақолада Суғд конфедерациясининг бошқарув тизими ўрганилган. Унда конфедерация бошқарувидаги марказий ва маҳаллий унвонлар таҳлил қилинган. Шунингдек, суғдий ҳужжатларнинг ўқилиши борасида янги фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: *Суғд, Кеш, конфедерация, ихшид, ихрид, испахбад, суғдий ҳужжатлар, маҳаллий унвонлар, марказий бошқарув*

В статье исследуются вопросы, связанные с управлением конфедерацией Согда. Проанализированы титулы чиновников центрального и регионального управлений. А также предложен новый взгляд на прочтение согдийских документов.

Ключевые слова: *Согд, Кеш, конфедерация, ихшид, ихрид, испахбад, согдийские документы, местние титулы, центральное управление*

This paper examines the issues associated with the management of the confederation of Sog'd. It analyzes the central and regional management titles and also touches upon some related of reading materials of Sogdian documents.

Key words: *Sog'd, Kesh, confederation, ihshid, ihrid, ispahbad, Sogdian documents, local titles, central management*

Кириш. Илк ўрта асрларга келиб, тараққий этган Суғд конфедерациясини "ихшид" унвонли ҳукмдорлар бошқарганлиги боис тадқиқотчилар исломдан аввал бу ерни бошқарган сулолани "Ихшидийлар сулоласи" деб атайдилар. Уларнинг аксарияти Суғдни муайян давлатчилик асосларига эга сиёсий уюшма сифатида тилга олади. Ушбу бошқарувнинг туб моҳиятини англаш унинг барча даврларини, хусусан, илк ўрта асрлар давридаги ҳолатини чуқурроқ тадқиқ этиш лозимдир. Чунки айни илк ўрта асрларда ер эгалиги шакллари ўзгариб, бошқарув манфаатларини кўзлаган хусусият касб этди. Аскинча, яхлит подшолик мулки ҳисобланган ер эндиликда мулкдор аслзода қатлам қўлига ўтиб тақсимланиш рўй берди. Ҳар бир ер эгаси ўз ҳудуди марказида қўрғон, қасрлар қуриш, шахсий ҳарбий гуруҳлар сақлаш каби ижтимоий мулкий муносабатларга эга бўлди. Подшолик бошқаруви эндиликда ер мулкдорлари билан ҳисоблашадиган бўлди. Ушбу бошқарувнинг моҳиятини очиб бериш Ўзбекистонда кечган давлатчилик жараёнларини ўрганишда муҳим ва айни кунда долзарб масаладир.

Конфедерация моҳияти. "Суғд конфедерацияси" атамаси замирида илк ўрта асрларда Зарафшон дарёси ҳавзасидаги Самарқанд, Панч, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония ҳукмдорликларини ҳамда Қашқадарё дарёси ҳавзасидаги Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларини ўз ичига олган муаяйн сиёсий уюшма тушунилиб, унинг таркибидаги мазкур ҳукмдорликлар ўз ички бошқарувида мустақил бўлишган. Уларнинг ҳар бири ўз бошқарув маркази – пойтахти, ҳукмдор сулоласи, ҳокимият рамзлари (танга, тамға ва ҳ.к.), қўшини каби ҳокимият хусусиятларига эга эдилар. Ўз навбатида, уларнинг битта сиёсий иттифоқ – конфедерацияга бирикишлари асосида ҳукмдор сулолаларининг келиб чиқиши жиҳатидан ягона хонадонга бориб тақалиши, айрим ижтимоий-сиёсий ва маданий-мафкуравий мажбуриятларни бажариши каби омиллар ётган [7. 5].

"Деҳқон" атамаси ва мулкий муносабатлар тавсифи. Милодий III-IV асрларда Қанғ давлатининг парчаланишидан сўнг Суғдда мулкчилик муносабатлари ўзгара бошлаган бўлиб, бунинг натижасида ер эгалигининг "деҳқон" мулкчилиги шаклланиши тезлашди. Илк ўрта асрларда "деҳқон" ер билан боғлиқ бошқарувчи ижтимоий гуруҳнинг бошида тургани боис Суғдда йирик мулкка эга зодагонлар ёки катта ер эгалари, баъзан қишлоқ оқсоқоллари "деҳқон" дейилган. Улар мустаҳкам қалъаларда яшаб, бутун бошли қишлоқлар деҳқонлар тасарруфида бўлган. Шунинг учун ҳам илк ўрта асрларда қишлоқ ҳокими "деҳқон" деб аталган. Деҳқонлар илк ўрта асрлар Суғддаги мулкий муносабатларда етакчи ҳисобланишган.

Б.Ғойибов *– СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси, тарих фанлари номзоди.*

Суғдда мулкчиликнинг турли хил шакллари, жумладан, хусусий, жамоа мулклари ва зардуштий ибодатхоналарига тегишли "вағнзе" (*βγnz'yh*) хиллари таркиб топди. Бу жараён эса маҳаллий заминдорларнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Давр ўтгани сайин зодагонлар (хуву - *γwβw*), эркин деҳқонлар (азат – *"z't* (*k'r*)) бойиб, деҳқон жамоалари (кашоварз – *kšw'rz*) уларга мулкий боғланиб кадивар (*k'δw'r*)ларга айланди [13. 67]. Таъкидлаш лозимки, деҳқон зодагонларнинг ҳам Эрондаги каби табақаларга бўлингани [3. 239] номаълум.

Тун ябғу хоқон ислоҳотининг моҳияти. Суғд конфедерациянинг тараққий этишида унинг асрлар давомида шаклланиб келган бошқарув тизими муҳим аҳамият касб этган. Турк хоқонларидан бири, бошқарувда ислоҳотлар ўтказган Тун ябғу хоқон даврида (618-630) хоқонликнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Суғд конфедерациясида ҳам маъмурий бошқарув такомиллаштирилди. Бунда Тун ябғу хоқоннинг маъмурий бошқарувдаги ислоҳотлари аҳамиятли бўлди. Натижада хоқонлик томонидан тайинланган ноиблар – тудунлар маҳаллий бошқарувни такомиллаштириб, вассалликларнинг ички сиёсий назоратини таъминладилар [21.73]. Бундан ташқари, хоқонлик тасарруфида бўлган ҳудудларнинг бошқарувчиларига "элтабар" унвони тақдим этилди ва улар назорати учун "тудун"лар юборилган [6.10]. Шунингдек, бошқарувни назоратда тутиш мақсадида хоқонлар ва Самарқанд ҳукмдорлари орасида қариндошлик муносабатлари ўрнатилди. Самарқанд ҳукмдорлари хоқонларнинг куёвлари сифатида ўз номларидан тангалар зарб этишган [15. 420-425].

"Оқсоқоллар кенгаши" хусусида. Марказий ҳокимият ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасидаги муносабатлар йирик заминдорлар, бой савдогарлар ва шаҳарлик аслзодалар томонидан тузилган "Оқсоқоллар Кенгаши" орқали амалга оширилган бўлиб, "ихшид" унвонли ҳукмдорлар "Оқсоқоллар Кенгаши" фикрига таянган ҳолда чекланган ҳокимиятга эга бўлган [13.67]. Ҳукмдор – ихшид улар томонидан тайинланган. Ҳар бир ҳукмдорликнинг ҳарбий саркардалари ва жанговар ҳаракатга лаёқатли ҳарбийлари – чокарлар бўлган. Ҳарбийларнинг аксарияти туркийлардан бўлган [19.36-38].

Суғд ўтроқ ҳаёт тарзи ҳукм сурган ўлкалардан бўлиб, унда ҳаётий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва ер-сув эгалиги мулкчилигининг ривожланиши натижасида сиёсий–ҳудудий ва маъмурий тизим шаклланган. Марказ ва ҳудудий бирликлар ўртасидаги бошқарувчи ҳокимият органлари вужудга кела бошлади. Бунда ҳукмдорлик маркази ва мулклар ўртасидаги бошқарувчилар бўлгани манбаларда келтирилади. Масалан, Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида *kty'βš'yws* – катиябшауз, "қишлоқ оқсоқоли" маъносини англатадиган унвон эгаси тилга олинган бўлиб, Б-1 ҳужжатида келтирилади [16. 177]. Суғдда қишлоқларнинг оқсоқол томонидан бошқарилиши аввалдан мавжуд бўлган. Бу эса давлатчилигимиз тарихида қадимий қишлоқ жамоавий бошқарувининг ўз ўрнига эга эканлиги Суғд конфедерацияси мисолида унинг давомий экани ўз тасдиғини топади.

Суғд конфедерациясида туркий бошқарув тизимига доир. Суғд конфедерацияси устидан ҳукмронлигини ўрнатган давлатларнинг аксариятида кўчманчи маданият ҳукмрон бўлиб, уларнинг бошқарувида демократик омилларга нисбатан уруғ-қабилавий бошқарув устун бўлган. Масалан, Турк хоқонлигида бошқарувда уруғ-қабилавий ва қариндошлик тамойилларига амал қилинар эди. Кейинчалик Суғд ҳукмдорлари ва Турк хоқонлари ўртасидаги қариндошлик ришталарининг боғланиши натижасида Суғдда ҳам қариндошлик бошқарувига амал қилина бошланди.

Е.И.Кычанов Хитой манбаларига суянган ҳолда туркий давлатчилик маъмурий-бошқарув тизимидаги иерархияни таҳлил қилиб, уларнинг сонини 28 та деб қайд этган. Ушбу иерархиянинг дастлабки 4 таси: еху (ябғу), ше (шад), дэле (тегин) ва тутун-фа (тудун)лар олий мансаблар ҳисобланган 24 таси эса кичик амалдорларга тегишли бўлган. Мансабларнинг барчаси меросий ҳисобланган [10.107; 13.68]. Лекин ушбу унвонларнинг нечтаси Суғд конфедерацияси бошқарувида ишлатилгани масаласи бир мунча мавҳум [1.16-19].

Хоқонликнинг бошқарувида ябғу (jabγw), тегин (tegin), шад (šad), элтабар (eltäbär), хотун (xatun/qatun), тудун (tudun/tuδun), тутуқ (tutuq/tutuγ), тархон (tarxan/tarqan), чўр (čor), эркин (erkin), чабиш (caβiš) каби унвон ва мансаблари амалда бўлган [13.68]. Бу даврда Суғд конфедерацияси бошқарувида Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган ихшид ('γšyδ), хуву (γwβw), хутав (γwtw) каби маҳаллий унвон ва лавозимлар амалда қўлланганини кўриш мумкин [16.190-210; 17.112-131].

Конфедерациянинг марказий бошқаруви. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, монархия типидаги сулолавий бошқарув тизимининг бир қатор хусусиятлари Суғддаги марказий бошқарув тизимида ўз аксини топган. Мусулмон муаллифлари мовароуннаҳрлик ҳукмдорларнинг унвонларига тўхталиб, Самарқандда ихшид, Кешда – ихрид, Бухорода – бухорхудот деб номланганини келтирадилар. Подшолардан кейинги бошқарув поғонасида йирик ер эгалари бўлган "озодлар" – "озодкор", яъни эркин ер-мулк

эгалари турган [14.23-37]. Ушбу маълумотлар Суғд конфедерация ва унинг таркибидаги ҳукмдорликлар учун хос бўлиб, буларни суғдий ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Аслзодаларнинг асосий тоифасини ҳукмрон хонадонларнинг вакиллари ва ер эгалари бўлган зодагон деҳқонлар (азимлар ва деҳқонлар) ташкил қилиб, улардан сўнг кўп сонли озодлар (озодкор халқ, одамлар) турган, уларнинг энг олий табақаси унвонли зодагонлардан иборат бўлган. Озодлар доимий равишда азимлар хизматида бўлар ва солиқлардан озод этилган эди [14.38].

Бу масалада Муғ ҳужжатларига мурожаат қиладиган бўлсак, Суғдда аслзодалар тоифаси қуйидагича бўлган. Ихшид – *xšayatiya* подшо, оромий идеограммада MLK' деб аталувчи амалдор бўлган. Суғдийча "ихшид" Авесточа *"xšay"*нинг сифатдош шакли бўлиб, "нурланувчи" деган маънони англатади [11.347-514]. MLK' ёзув шакли Nov. 3 ва Nov. 4 ҳужжатларида Тархун подшога нисбатан, B-8, B-4, A-14, A-20, Nov. 2, B-10, B-17, B-17, A-18, A-2, A-3, A-16 ҳужжатларида "Суғд подшоси" тарзида Деваштичга нисбатан қўлланган. Ихшид марказий унвон ҳисобланган. Ихшид унвони нафақат Суғд конфедерацияси ҳукмдорларига нисбатан, балки Фарғона ҳукмдорларига нисбатан ҳам ишлатилгани ўрта аср манбаларида тилга олинади [5.129]. Суғдий ҳужжатларнинг B-17 рақамлисида Фарғона ҳукмдорларига нисбатан ҳам MLK' – *'γšyδ* унвони келтирилган [16.115-123].

Суғдий "ихшид" унвони Суғддан ташқарида ҳам ишлатилгани Фарғона мисолида ўз аксини топиши юқоридаги асос билан изоҳланиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, "ихшид" сўзи суғдий ёзувда Фарғонада ҳам худди ана шу кўринишда ёзилгани ҳақиқатга яқин. Бу эса суғдий ёзувнинг Бухоро варианти бўлгани каби, Фарғона варианти ҳам бўлгани борасидаги фикрни кучайтиради.

Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликлари бош унвонлари. Суғдий ҳужжатларда учрайдиган *"γwyrpt* – аахвирпат, "отхона бошлиғи" маъносини англатади. Муғ архивининг B-9 ҳужжатининг 10 қаторидаги суғдийча *xrw* сўзи [12. 184-185] асл сўзнинг ўзагини ташкил этиб, "отхона" маъносини билдирган [16.162]. Сўзнинг ўзагидаги "охур" сўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларидаги "отга емиш бериладиган жиҳоз"ни англатади. Шундай экан Суғдда отхона бошлиғи унвони бўлиб, бу унвон эгаси сарой отхонаси бошқарувчиси бўлган. Отлиқлар (кавалерия) бошлиғи кейинчалик ҳукмдор даражасига эришган. VII–VIII асрларда Кеш (Шаҳрисабз)да зарб қилинган тангаларнинг бир қанча типида *kšy'n'k xwβ "xwrp't* – "Кеш ҳукмдори Ахурпат" жумласи учраса, хитой йилномаларида 727 йилда Хитойга элчи юборган Шы (Кеш) ҳукмдори Хубидо (суғд. Ахурпат) исми қайд этилади [15. 426]. Бу эса Кешни бошқарган унвон эгаси Ахурпат деб юритилганини кўрсатади. Кеш ҳукмдорларининг марказий унвонда бошқарувни олиб борганликлари Култўба ҳужжатларида ҳам келтирилади.

MR'Y унвони Суғд ҳукмдорлари билан алоқали равишда милодий III асрга оид Култўба битикларида *symrkntč MR'Y* (Самарқанд ҳукмдори), *kšynk MR'Y* (Кеш ҳукмдори), *nxšpyk MR'Y* (Нахшаб ҳукмдори) шаклида учрайди. Матнда ушбу ҳукмдорларнинг даштлик кўчманчиларга қарши курашгани ҳақида гап боради [2.5-15]. Конфедерацияга итоат этувчи ҳукмдорлар мана шу унвон билан аталган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, араб манбаларида 730 йилларда Насаф бошқарувчиси – испаҳбоди сифатида ал-Ашканднинг исми тилга олинган. Ал-Ашканд 734-737 йилларда Насафни бошқарган. Табарий маълумотларида келтирилган ушбу шахс арабларга қарши Суғд ҳукмдори Ғурак билан иттифоқчи бўлган [9.225]. Ал-Ашканд Турк хоқонининг содиқ кишилари сифатида тилга олиниб, у Насаф "испаҳбод"и деб келтирилади. Форсча سپاه- "сипоҳ", سپهبد - "сипаҳбод" сўзлари "қўшин бошлиғи", "ҳарбий қўмондон" маъноларини англатади [18.99].

Ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, Суғд конфедерацияси таркибидаги барча майда ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг бош унвони бир-биридан фарқли бўлиб (Кешда – *ихрид*, Нахшабда – *испаҳбод*, Панчда – *афшин* ва ҳ.к.), шу хусусияти билан ҳам улар Бухоро ва Тохаристон конфедерациялари таркибидаги майда ҳукмдорликлардаги унвонлардан бирмунча ажралиб турарди. Эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир масала шуки, Нахшабда ҳам бошқарув тепасида Кешдаги каби ҳарбийлар – испаҳбодлар турган. Эҳтимол, конфедерация ихшидлари ўз мамлакатларининг чегараларини кучайтириш ва барқарор ушлаб туриш учун ҳарбийлар бошқарувини кучайтирганлирлар.

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган марказий ва маҳаллий унвонлар. Суғддаги бошқарув тизимининг манбаларда акс этганлиги масаласида Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари бирламчи манба ҳисобланиб, уларда бир қатор марказий ва маҳаллий унвон ҳамда мансаблар қайд этилган.

Суғдий ҳужжатларда келтирилган бошқарувдаги юқори лавозимлардан яна бири *γwt'w* – хутав бўлиб, бу сўз ҳам "ҳукмдор", "жаноби олийлари", "подшо" каби маъноларни беради. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари мажмуасининг Nov. 6, B-7, B-17 ҳужжатларида қайд этилган. Оромийча ёзилиш шакли, идеограммаси MR'Y // MRY' бўлиб, B-8,

B-4, A-13, B-3, A-14, A-20, A-9, Nov. 2, B-10, A-2, A-16 каби ҳужжатларда қайд этилади. Бу сўзнинг ҳам оромий шакли юқоридаги каби Аҳамонийлар даври бошқаруви давридан сақланган. МАРАЙ идеограммаси ҳам шу тахлитда суғдий матнларда ишлатиб келинган ва “подшо, жаноб, ҳоким” маъноларига эга. Суғдийча *хуʙ*, *хутаʙ* деб талаффуз этилган [8. 20].

pr’m’nδ’r ’wtt - фармондор Ават – Муғ тоғи ҳужжатларининг бир нечтасида учрайдиган юқори мартабали амалдорларидан бири. Фармондор атамаси Муғ ҳужжатларининг барчасида *pr’m’nδ’r* ёки *prm’nδ’r* шаклида ёзилган бўлиб, тадқиқотчилар суғдий тилдаги луғавий маъноси “буйруқ тутувчи, буйруқдор” бўлган ушбу унвонни “фрамандар” тарзида ўқишган. Матнда “фармондор” вариантида бериш лозим топилди. Панч ҳукмдори саройида Деваштичдан сўнг хўжалик ишларида *prm’nδ’r wtt* – фармондор Ават турган. Фрамандар – ҳукмдорнинг буйруқ, фармон, кўрсатма ва топшириқлари устидан назоратни амалга оширган. У ҳақда Б-13, Б-11, А-18, А-2, А-9, А-3, А-18, А-16, А-6, А-1, Б-15, Б-19, Б-18 ҳужжатларида маълумотлар келтирилади. Мазкур ҳужжатларнинг илк нашрларида ноширлар (мас. В.А.Лившиц) ушбу шахс исми (’wtt)ни Утт (Ўт) шаклида ўқишган бўлиб, уни қадимги туркча унвон ҳисоблашган ва мазкур амалдор туркий бўлган деб талқин қилишган эди. Бу талқин кенг ёйилди ва анча йилларгача ўз кучини сақлаб қолди. Бироқ В.А.Лившиц янги нашрларида уни Ават (суғдийча *’wt* “умид, ишонч”дан) деб ўқишни лозим топди [12.149]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг сўнгги талқинида жон бор. Сабаби, қадимги туркийчада, яъни Турк хоқонлиги даврида ot (ўт) сўзи муайян бир унвон эмас, эпитет (сифат – лақаб) бўлиб, унинг ўзи алоҳида келмаган. Мазкур эпитет бирор унвон олдида келиб, даража (рутба) фарқлилигини билдирган. Масалан, қадимги туркийча Ўт-тегин (луғ. “Валиаҳд шаҳзода” < ўт “ўчоқ / оила” + тегин “шаҳзода”) маъносида бўлган.

Маълумки, Суғд қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудуд эди. Деҳқончилик, сунъий суғориш мамлакат тараққиётини таъминлаган омиллар ҳисобланган. Бу борада мамлакатда алоҳида бошқарув тизими йўлга қўйилган. *”w’zypt* – аавазипат, суғориш билан боғлиқ барча ишларнинг (ариқ тозалаш, ҳашар...) бошқарувчиси бўлган. Унинг вазифаси кейинги даврлардаги “мироб” вазифасига тўғри келади. Сўзнинг иккинчи қисмидаги *pt* – “пат” эса “қўриқловчи”, “бошқарувчи” маъноларида келади. “Аавазипат” – сўзидаги ўзакни ташкил этган “авиз” – ўзбек ва тожик тилдаги “ҳовуз” сўзига тўғри келади. “Аавазипат” – тери ошлаш жараёнидаги ҳовузлар бошқарувчисининг унвони ва суғориш ишлари мутасаддиси бўлган. Nov.6 ҳужжатида бу унвон эгаси Вгашмариқдан 8 драхм олгани келтирилади. *”w’zypt* – аавазипат, барча сув ҳавзалари устидан назорат ўрнатувчи шахс ҳам бўлган. Суғдий-будда матнларидаги *”w’z”p* – “сув, сув ҳавзаси” ва моний матнларидаги *”w’zyy* – “сув ҳавзаси, кўл” маъноларини англатувчи сўзларга ўхшаш [16. 72].

Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида учрайдиган яна бир бошқарув билан боғлиқ унвон *prδyzp’n* – пардезбон бўлиб, ушбу лавозим эгаси саройга қарашли боғлар, хиёбонлар устидан назоратни амалга оширган [16.208]. У асосан ҳукмдор саройида хизмат қилган. Пардезбон – Суғдда ўрта табақа вакили ҳисобланади. Моний ва христиан матнларида ҳам сўзнинг ўзагини ташкил этувчи *prδyz* – “парк, боғ” деган маънони англатади. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг Суғдда товар – пул муносабатларига доир А-5 ҳужжатида бу маълумот келтирилади.

Суғдда иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада алоҳида унвон таъсис этилган эди. Масалан, *γwpt* – ғупат, молия ишларини бошқарган олий унвонлардан бири. В.А.Лившиц бу сўзни “молия ишлари бошлиғи”, “даромадлар бошлиғи” деб ўқиган. Бу унвон юқори унвонлардан бири эканини А-5 ҳужжатида унга 50 драхм миқдорида маош тайинлангани исботлайди [16. 184]. Суғд конфедерациясида молиявий муносабатлар юқори даражада ривожланган. Шу билан бирга, ижтимоий, маъмурий тизимга хос бошқарув лавозимлари амал қилиб, давлат ҳуқуқ тизимининг меъёрлари шаклланган эди. Сарой хизматчиларига уларнинг лавозимига қараб маош бериш тартиби ва унинг марказдан назорат қилиниши масаласи илк ўрта асрлардаёқ шаклланган давлатчилигимиз тарихида молия тизимининг ўзига хос ўрин тутганидан далолат беради.

Бундан ташқари, иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи яна бир лавозим бўлиб, у *β’zkr’m* – бозкром деб аталган. Сўзнинг бир қисмини ташкил этувчи “боз” сўзи “бож” маъносини англатиб, солиқ деган маънони ифода этишга қисман бўлса ҳам хизмат қилади. Бу сўз учрайдиган А-13 рақамли ҳужжат мазмунига кўра, “бозкром” кўприкдан фойдаланганлик учун тўпланадиган солиқ миқдорини кўрсатиб, тархонга мактуб йўллаган [8.24]. “Тархон” ҳарбий унвон бўлиб, стратегик аҳамиятга эга бўлган объектлар, жумладан, кўприклар ҳам унга қарашли бўлган. Шунинг учун ҳам бозкром кўприкдан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ миқдорини кўрсатиб тархонга хат ёзган.

Кўриниб турибдики, “бозкром” илк ўрта асрлар Суғдда солиқ тушумлари билан шуғулланувчи махсус амалдор ҳисобланган.

Конфедерация бошқарув тизимини тадқиқ этиш давомида марказга итоат этувчи ҳукмдорларнинг ёрдамчилари бўлганини кўриш мумкин. *n’ztyγryw* – настиғрив, А-14, А-15 ҳужжатларида “ҳукмдор ёрдамчиси”, “ёрдамчи” маъноларини ифодалаш учун ишлатилган [16.86-163]. Бу эса Суғдда ҳукмдорларнинг махсус ёрдамчилари бўлганини билдиради. Луғавий маъноси “ёрдамчи” (ҳукмдор ёрдамчиси) бўлган ушбу атамани дастлабки нашрларида В.А.Лившиц айнан шу маънода берган бўлиб [16.79-83), кейинчалик уни Азатғрив шаклида шахс исми ўлароқ талқин қилган [12.87]. Атаманинг А-14 ҳужжатидаги палеографик шакли ва ҳужжат мазмуни В.А.Лившицнинг дастлабки талқини мазкур ҳужжат учун тўғри эканидан дарак беради. Фақат А-15 да ушбу атаманинг палеографияси А-14 ҳужжатдагидан фарқ қилиб, “азатғрив” шаклидадир. Яъни ҳар иккала ҳужжатдаги шахсларни битта деб ҳисоблаш мунозаралидир.

Конфедерация ҳукмдорлари саройида девон хизмати йўлга қўйилган бўлиб, улар маҳкамачилик ишлари билан шуғулланганлар. Б-17 ҳужжатида учрайдиган *δp’yrpt* – дапирпат сўзи суғдийчада “бош котиб, девонхона бошлиғи” маъносини англатади [16.176]. Атама икки қисмдан иборат: дапир – “ёзмоқ, ёзиш”, пат – “бошлиқ”. А-5 рақамли ҳужжатда бу лавозим эгасига тўланган иш ҳақи тўғрисида маълумот берилган [8.25]. Дапирпат – “бош котиб” бўлиш баробарида саройда ҳужжат тузиш, уларни тартибга солиш билан шуғулланган. Бу давр котиблари нафақат суғдий тил ва ёзувни пухта эгаллашган, балки туркий ҳамда араб тиллари ва ёзувидан ҳам хабардор бўлганлар. Бунга Муғ тоғидан топилган араб ва қадимги туркий ёзувли ҳужжатлар мисол бўла олади.

Хулоса. Суғд конфедерациясидаги бошқарув тизими, унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқарувда қўлланган унвонлар масаласини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулоса ва тўхтамларга келинди:

Суғд конфедерациясида қўлланган унвонлар таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, барча лавозим ва мансаб номлари, асосан, маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда шаклланган бўлиб, улар воҳанинг табиий-географик жойлашуви, хўжалик ҳаёти ва маданий-мафкуравий қарашлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Хусусан, Суғддаги унвонлар орасида кўчманчилик ёки ҳарбийлик эмас, кўпроқ ўтроқлик муҳитига мос унвонлар устунлик қилганлиги кўзга ташланади. Жумладан, *аавазипат* – ҳовузлар бошқарувчиси, *пардезбон* - саройга қарашли боғлар, хиёбонлар устидан назоратчи, *ғупат* - молия ишлари бошқарувчиси кабилар бунга далил бўла олади. Суғдда *элтабар*, *тархон* каби Турк хоқонлиги бошқарувига хос унвонлар ҳам учраб, уларнинг функцияси кўпроқ ҳарбийликка алоқадор эди.

Конфедерация таркибидаги ҳукмдорликларнинг мавқе ва мақом фарқлилиги уларнинг унвонлар тизимида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, марказий ёки юқори мақомдаги ҳукмдорликларда нисбатан юксак унвонлардан, кичикроқ ёки сиёсий мавқеи пастроқ бўлган ҳукмдорликлар бошқарувчилари эса фарқли унвонлардан фойдалангани маълум. Жумладан, марказий ҳокимиятлар бўлмиш Самарқанд (*ихшид*) ва Кешда (*ихрид*) қўлланган ва негизи бир бўлган унвонларнинг мавқеи нафақат Суғдда, балки минтақанинг бошқа воҳа ҳукмдорликларида (*мас.* Фарғонада) ҳам юқори бўлгани кўзга ташланади. Буни бир муддат марказий ҳокимият мақомини олган Панчда ва нисбатан йирик ҳукмдорлик бўлган Уструшонада *афшин* унвони муомалада бўлгани ҳам тасдиқлайди.

Адабиётлар:

1. Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата: Автореф. дисс... д-ра ист. наук. – Т., 2012.

2. Байпаков К. Города округа Кенджида-Кендже / Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции. Самарканд 7-8 сентября 2009 г. – Самарканд-Ташкент, 2010. – С. 5-15.

3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Соч. Т.1. – М., 1963.

4. Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Черты мировоззрения согдийцев VII-VIII вв. в искусстве Пенджикента // История и культура народов Средней Азии. – М.: Наука 1976. – С. 75-88.

5. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов тарж. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Фан, 1966

6. Бобоёров Ғ. Тун ябғу-хоқон.- Т., 2011.

7. Гойибов Б. Место владение Панча в конфедерации Согда (на примере раннего средневековья): Афтореферат дисс... канд. истор. наук. – Т., 2011.

8. Исҳоқов М.М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992.

9. История ат-Табари. Перевод с арабского В.Беляева. – Т.: Фан, 1987.

10. Кычанов Е.И. Кочевые государства от гуннов до маньчжуров. – М.: Наука, 1997.
11. Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981.
12. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008.
13. Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Т., 2010.
14. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970.
15. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М.: Наука, 1981.
16. Согдийские документы с горы Муг. Вып. II (СДГМ II) / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М., 1962.
17. Согдийские документы с горы Муг. Вып. III (СДГМ III) / Хозяйственные документы / Чтение перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И. Смирновой. – М., 1962.
18. Форсча-ўзбекча ўқув луғати / тузувчилар А. Рустамов, Қ. Каримов, З. Умаров. – Т.: Ўқитувчи, 1975.
19. Beckwith C. I. Aspects of the Early History of the Central Asian Guard corpus of Islam // AEMAe. – Wiesbaden: 1984. – Tom IV .
20. Grenet F., de La Vaissiere E. The last days of Pandjikent. Silk Road Art and Archaeology. 8. // Journal of the Institute of Silk Road Studies. – Kamakura, 2002.
21. Togan Z. V. Umumî Türk tarihi'ne giriş . Cild I. / En eski devirlerden 16. asra kadar. 3 Baski. – Istanbul: Enderun Kitabevi. Aksiseda matbaasi, 1981.

2015 йил 14 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)